

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Жўраева Шаҳло

ТДИУ “Демография. Меҳнат иқтисодиёти”

таъин докторанти

Тадбиркорлик деярли барча мамлакатлар ривожланишига сезиларли ва ижобий ҳисса қўшди. Бу юқори ишсизлик, камбағалликни қисқартириш ва ҳудудлараро номутаносиблик каби асосий муаммоларни камайтиради. Дунёнинг аксарият мамлакатлари ўз иқтисодиётини қишлоқ хўжалигидан тадбиркорликка асосланган иқтисодиётга ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунда АҚШ ва Хитой дунёдаги етакчи тадбиркорлик жамиятларидан бири бўлиб, тадбиркорликнинг ошиб бориши туфайли иккала мамлакат турли иқтисодий ва ижтимоий имтиёзларга эга бўлиб, улардан оқилона фойдаланиб келмоқда. Бироқ, ҳар бир ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш унчалик осон эмас. Тадбиркорликнинг вужудга келиши ва ривожланиши табиий ҳол эмас. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик жамиятининг ривожланиши турли омилларга боғлиқ. Тадбиркорликнинг ўсишига нафақат тадбиркорлар корхонани ривожлантириши, балки уларнинг шахсий қобилияти ёки хусусиятлари ҳам ҳисса қўшиши мумкин. Тадбиркорнинг шахсий ёки психологик омиллари билан бир қаторда мамлакатнинг иқтисодий шароити, ижтимоий-маданий муҳит, давлат ва сиёсий муҳит каби кўплаб бошқа омиллар ҳам тадбиркорликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир қилади. Бу омиллар одатда тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар деб аталади. Бу омиллар ёки шарт-шароитлар тадбиркорликнинг йўлга қўйилиши ва ривожланишига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ижобий таъсирлар тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларни ўз ичига олади, салбий таъсир эса тадбиркорликнинг ўсиши ва ривожланишига тўсқинлик қилувчи барча омилларни ўз ичига олади. Бўлажак тадбиркор учун унинг корхонаси ва бизнесига таъсир қилиши мумкин бўлган турли омиллар ҳақида батафсил маълумот ва билимга эга бўлиш жуда муҳим ва долзарбдир. Ақлли тадбиркор ҳар доим унинг бизнесига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни диққат билан таҳлил қилади ва бу омилларни қулай ва тўсқинлик қилувчи омилларга ажратади. Таҳлиллардан сўнг, у ўз бизнесининг ривожланиши учун ўзининг келажақдаги режасини ишлаб чиқади. Тадбиркорликнинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар турли гуруҳларга бўлинган, шунинг учун ҳар бир омиллар гуруҳига мувофиқ стратегиялар ишлаб чиқилиши мумкин. Бу омилларнинг таснифланиши қуйидаги расмда келтирилган [1-расм].

Иқтисодий
омиллар

Ижтимоий
омиллар

Психологик
омиллар

Сиёсий
омиллар

Бошқа
омиллар

Иқтисодий омилар - бу тадбиркорликнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшадиган омилар. Иқтисодий нуқтаи назардан, бу омилар мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш билан бирга, тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун ҳам сабаб бўлади. Бу омилар ҳақиқатда корхона учун иқтисодий хавфсизлик ва қулай муҳитни таъминлайди. Тадбиркорликнинг ўсишига таъсир қилувчи асосий иқтисодий омилардан баъзилари қуйидагича муҳокама қилинади:

Капитал: Капитал ёки молия ҳар қандай корхона ёки бизнеснинг ҳаётий қонидир ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашнинг асосий шартларидан биридир. Сармоясиз тадбиркорлар ҳеч қачон ўз бизнесини бошлаш ҳақида ўйламайдилар. Капиталнинг мавжудлиги тадбиркорга бизнеснинг асосий воситаларини, яъни ер, техника, материал, ишчи кучи ва бошқаларни тартибга солишга ёрдам беради. Кузатувлар шуни кўрсатадики, капитал таклифи ошгани сайин тадбиркорлик ҳам ошиб боради ва бу АҚШ, Хитой, Россия, Германия ва Франция каби тадбиркорлик жамиятларида аллақачон кузатилган. Шуни айтиш жоизки, тадбиркорнинг муваффақиятсизлигининг асосий сабабларидан бири дунёнинг кўп жойларида етарли капитал етишмаслигидир.

Меҳнат: Машҳур иқтисодчи Адам Смит иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилини меҳнат деб ҳисоблаган. Самарали меҳнатнинг зарур миқдорда мавжудлиги ҳамиша иқтисодий ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий омиларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик ривожланишининг яна бир муҳим жиҳати арзон ишчи кучидир, чунки у тадбиркорликнинг пайдо бўлишига бевосита таъсир қилади. Арзон ишчи кучининг мавжудлиги тадбиркорлар учун имконият бўлади, чунки у бевосита иш юритиш ва фойда олиш билан боғлиқ. Меҳнат муаммолари юқори меҳнат талаб қиладиган корхоналарга таъсир қилади, аммо тадбиркорлар меҳнатни тежовчи инновацияларни киритиш ёки ўз соҳаси муаммоларини ҳал қилиш учун тадбиркорлик фаолияти бўйича юқори натижаларга эришган мамлакатлар каби технология орқали ушбу муаммонинг оқибатларини бошқариши мумкин.

Хом-ашё: Тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир этувчи яна бир иқтисодий омилардан бири сифатли ҳамда арзон хомашёга бўлган эҳтиёждир. Ҳар

қандай ҳудудда корхона ташкил этишда хомашёнинг мавжудлиги асосий омил ҳисобланади. Ушбу омилсиз тадбиркорлик ривожланмаган ва тадбиркор ҳам пайдо бўлмаган бўлар эди. Масалан, тадбиркор сут маҳсулотлари ишлаб чиқармоқчи, у бу учун сармоя ажратган, керакли технология ва малакали ишчиларни ҳам йўлга қўйган, аммо яқин атрофдаги бозорларда сут бўлмаса, барча уринишлар бесамар кетади. Тадбиркорлар хом ашё мавжудлигининг аҳамиятини тушунишлари керак, чунки у маҳсулот таннархига бевосита таъсир қилади. Агар бозорда хомашё етказиб бериш мунтазам бўлса, корхона ривожланиши учун қўшимча куч сарфлашнинг ҳожати йўқ.

Бозор: Бу тадбиркорлик фаолиятининг муҳим жиҳатларидан биридир. Бозор ишлаб чиқарувчилар ва харидорлардан иборат, шунингдек тадбиркор ўз маҳсулотларини харидорларга етказиши қулай бўлган макондир. Бозор ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти учун асосий ҳал қилувчи омил бўлиб, бозорсиз тадбиркорлик равнақини кўриш қийиндир. Тадбиркорлар капитал ишлаб чиқариши, меҳнатни ташкил этиши, хом ашё сотиб олиши мумкин, лекин у бозорни ярата олмайди, у фақат ўз маҳсулотига талаб ҳосил қилиши мумкин. Якуний маҳсулотларни истеъмол қилиш миқдорларнинг талабига боғлиқ. Бозор ҳажми, таркиби ва истеъмолчилар талаби тадбиркорларнинг фаолиятига таъсир қилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг бозорга яқин масофада жойлашуви ҳам тадбиркорларни ортикча харажатдан сақлаб қолади ва кўпроқ фойда олишга ҳисса қўшади.

Ижтимоий омиллар. Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, ҳеч бир минтақада тадбиркорликни ривожлантириш учун фақатгина иқтисодий омилларнинг ўзи етарли эмас. Жамият қачонки иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга учраган жойда тадбиркор ҳеч қачон муваффақият қозона олмайди. Ижтимоий назария тарафдорлари иқтисодий омилларнинг тадбиркорликнинг ўсишига таъсири ижтимоий омилларга ҳам боғлиқлигини таъкидлайдилар. Ижтимоий кадриятлар аҳоли гуруҳининг ҳис-туйғулари, муносабатлари, кадриятлари, эътиқодлари ва ўзаро муносабатларига таъсир қилади. Масалан, ижтимоий синфлар, диний меъёрлар, бойлик тақсимоли, тил, ижтимоий кадриятлар ва меҳнатга муносабат кабилардир. Шу сабабли, қулай ижтимоий муҳит тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиради, иқтисодий ўсишни ва янги иш ўринларини яратишни кучайтиради.

Тадбиркорлик фаолиятида таълим даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таълим ҳар бир инсоннинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашда муҳим рол ўйнайди. Бу расмий ёки норасмий таълим бўлиши мумкин. Тадбиркорликни бошлаш учун зарур бўлган билимларни олиш керак бўлса-да, бу имконият ҳамма учун мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бироқ, ҳар бир киши тажриба ва маслаҳат орқали таълим олиши мумкин. Тадбиркорлик бўйича таълим аҳолини ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш ва янги бизнес лойиҳаларини яратишда энг муҳим элементлардан бири сифатида қаралади.

Жинсий тақсимотга келсак, эркакларнинг хали ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш эҳтимоли кўпроқ. Гуидант Финансиал компаниясининг 2023 йилги Кичик бизнес тенденциялари ҳисоботи шуни кўрсатдики, сўралган кичик бизнес эгаларининг 75 фоизи эркаклар, атиги 25 фоизи эса аёллар ҳисобланади.

Тадбиркорликка таъсир қилувчи психологик омиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак биринчи навбатда ишонч ва дадиллик яъни, янги бизнесни бошлаш осон иш эмас, ғояга изчил ва доимий содиқлик ва муваффақиятга айлантириш юқори ишонч, дадиллик ва вақт талаб этади. Шунингдек муваффақиятга бўлган эҳтиёж. Ҳар битта тадбиркорликни бошлаган шахс албатта ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб ушбу ишга қўл уради. Тадбиркорлик орқали улар ўз турмуш даражаларини қанчалик яхшилашга ва бошлаган иши ривожланишига ишончи юқори бўлса, шунчалик юқори муваффақиятга эришадилар.

Тадбиркорлик учун сиёсий омилларни назорат қилиб бўлмайди. Яъни, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик, солиқлар, ташқи савдо алоқалари, иқтисодий сиёсат ва ҳукумат томонидан чиқариладиган қарорлар кабиларни инобатга олиш ва унга тайёр туриши лозим. Шу сабабли тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан белгиланган қонунларга жавоб бериши керак ва ўзгаришларга мослашиб кета олиши шарт. Ва албатта тадбиркорлар давлат томонидан киритилган ўзгаришларга муносабат билдириш ўрнига, сиёсат ва ҳукумат қарорларига мос келадиган янги маҳсулотлар ёки қўшимчалар ишлаб чиқишлари керак. Шу ўринда истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари ва муносабатларига эътиборни ҳам унутмаслик зарур.

Биз юқорида тадбиркорликка таъсир этувчи бир нечта асосий омилларни кўриб чиқдик ва таҳлил қилдик. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки агар инсонларда тадбиркорликка табиатан мойиллик ва қобилият бўлса ҳеч қандай омил ва қийинчиликлар уларга тадбиркорлик фаолиятида муваффақият қозонишда тўсиқ бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1. Г.Қ.Абдурахмонова. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. ТДИУ. Т.2016.*
- 2. У.У.Иноятлов. Аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланишни такомиллаштириш. ТДИУ. Т.2022.*
- 3. Интернет маълумотлари[1].*